

Имом Исо ат Термизийнинг психологик қарашлари.

Ўқитувчи Тўрақулов Б.Н.

Терм ДУ

Хадис илмининг султони Имом Исмоил ал Бухорийнинг шогирди ва яқин сафдоши Имом Исо ат Термизий (824/825-892) болалигидан зеҳнли, ақл – заковатли, илмга интилевчан, қизиқувчан бўлганлиги билан тенгдошларини ҳайратлантирган жонзот бўлганлар. Имом Исо ат Термизий одамзотлардаги меҳрибонлилик, виждонлилик, ростгўйлик, меҳнатсеварлик, инсонпарварлик, ватанпарварлик, камтарлилик фазилатларини улугланган бўлсалар, баъзан бир кишилар характеридаги хийлакорлик, такаббурлик, бетайинлик, қўполлик каби салбий сифатларни лаънатлаганлар. Шунингдек, буюк муҳаддис Имом Исо ат Термизий гуноҳни уддабуронлик, зўравонликни – фазилат, андишани – журъатсизлик, меҳрибонликни – гўзаллик, инсофни – нўноқлик деб билувчи нодонлардан жирканганлар.

Имом Исо ат Термизий ўта сезгири, идрокли, ҳар наарсага илмга қизиқувчан, эсда олиб қолиш қобилияти яъни хотираси ғоятда кучли бўлганлиги билан ўша давр уламолари, олимларини ҳайратлантирганлар. Араб тарихчиси Шамсиддин аз – Заҳобий ўзининг “Тазкират ул - Хуффоз” (“Хофизлар ҳақидаги таскира”) номли асарида бир воқеани шундай ёзиб қолдирганлар.

Абу Исо Муҳаммад ат Термизий Маккага ҳажга бораётганда йўлда кўп муҳаддислар билан учрашиб, мулоқотда бўлиб, олимларнинг биридан ҳадислардан сабоқ беришни илтимос қилганлар. У олим: “Бўлмаса қофоз – қалам ол” деган. Аксига олиб шу пайт ат Термизий қалам топа олмаган ва олим рўпарасида ўтириб эшитган ҳадисларини ёзиб олаётгандек қофоз устида қўлини ҳаракатлантираверган. Олим эса турли – туман ҳадислар келтиравериб олтмишга яқинини ҳикоя қилган. Олим шу пайт қофозга қараб унда ҳеч қандай ёзув бўлмай – уни тоза ҳолда кўрган ва ат Термизийнинг бу ишидан жаҳли чиқиб: “Нима сен менинг вақтимни бекорга йўқотмоқчимиса?” деб ўшқирган. Ат Термизий бўлса бамайлихотир: “Сиз айтган ҳадисларингизни ёдан айтиб берайми?” дегану ҳозиргина олимларнинг эшитган ҳадисларнинг ҳаммасини тартибли равишда бирин – кетин тўғри айтиб берган. Ат Термизийнинг хотираси ғоят кучлигидир олим ҳайратга тушиб, қойил қолганини билдирган.

Имом Исо ат Термизий ўзларининг ҳаётлари ва фаолиятлари давомида шукуроналар қилиб, кўплаб нодир асарлар яратганлар: бу асарлар “ал – Жомил ас - саҳих” (“Ишонарли тўплам” ёки “Сунани Термизий”), “Шамоили Набавия” (“Пайғамбар алайхиссаломнинг шакл ва сифатлари”), “китоб уз - зухд” (“Зоҳидлар китоби”), “Асмоъ ус - саҳоба” (“Саҳобаларнинг исмлари”), “ал Асмоъ вал - куно” (“Ислар ва кунъялар”), “Китобул - илол” (“Иллатлар китоби”) асарини китобхон руҳига мос қилиб ёзганлар.

Имом Исо ат Термизий туғма руҳшунос (психолог) бўлганликлари учун ҳам Мұхаммад пайғамбардек олий одамзоднинг суврат ва сийратлари, ажойиб фазилатларига оид тўрт юз саккиз ҳадиси шарифнинг ўзига жамланган “Аш Шамоил ан – набавия”- (“Пайғамбарнинг алоҳида фазилатлари”) номли китобларини меҳр – муҳаббат ва маҳорат билан ёзган. Мазкур асарда келтирилган ҳадиси шарифларда Мұхаммад алайхиссаломнинг ички маънавий – руҳий дунёси ва ахлоқий фазилатлари, сезгилари, идроки, хотираси, ҳаёли, тасаввури, тафаккури, қобилиятлари, башоратчилигини даҳолигини бағоят оқилона, холисона тасвиrlаганлар, тўғри ёзганлар.

“Аш – Шамоил ан – набавия” асари мазмунига қўра икки қисмдан иборатdir. Асарнинг биринчи қисмига мансуб ҳадиси шарифлар пайғамбаримиз Мұхаммад алайхиссаломнинг сувратларига – ташқи қиёфаларига бағишлиланган бўлиб, пайғамбаримизнинг новча ҳам, пакана ҳам бўлмай, балки ўрта бўйли, яргиндор, қўллари бақувват гўштдор ва доимо жун билан қопланган, кафтлари бўлиқ, қирғийбурун, пешоналари кенг, кўзлари катта – катта бир зот бўлган деб характерланган бўлсалар, асарнинг иккинчи қисмида келтирилган ҳадиси шарифларда эса пайғамбаримизнинг Мұхаммад алайхиссаломнинг руҳий – маънавий дунёси ва ахлоқий фазилатларини моҳирона характерлайдилар.

Машҳур олим Али ибн Султон ал – Ҳаравий ал – Қорий ўзларининг “Жанг ул – восоил фи Шарҳ аш - Шамоил” номли асари шарҳида ат Термизийнинг “аш – Шамоил ан – набавия” асарига юксак баҳо берадилар ва шундай деб ёзадилар: “Расулуллоҳ саллоҳу алайҳи вассаламнинг фазилатлари, ахлоқлари ҳақида тасниф этилган мусаннафатларининг энг чиройли ва яхшиси бу – Имом ат Термизийнинг пайғамбар сийратлари ҳақидаги мукаммал ва муҳтасар китобидир”. “Имом Исо ат

Термизий бу асарида келтирилган пайғамбаримиз Мұхаммад алайҳиссаломга хос юксак фазилатлари, у зотнинг барча гўзал ҳулқлари, таҳсинга сазовор сифату сийратлари умматлари учун ойнаи ибрат бўлиб, абадул абад яшаб қолишива авлоддан авлодларга ўтиши ҳақиқатдир” деб баҳо берганлар.

Имом Исо ат Термизийнинг ҳадис илмини тўплаши тарғибот (рағбатлантириши) ташвиқот (шавқлантираши) инсонларга маънавий – маорифий таъсир кўрсатиши ҳам инсонни билиш илмини мукаммал англаб етган туғма руҳшунос (психолог) бўлганлигидан далолатдир.

Имом Исо ат Термизий ҳар жиҳатдан етук киши аҳлоқий жиҳатдан олий покликка эришган, борлиқ олам ва аллоҳни англашда тўлиқ билимга эга бўлган, ҳаққа етишган инсон бўлганлар.

Президентимиз Ислом ҳожи Каримовнинг саъи – ҳаражатлари билан мустақиллигимизга эришдик.

Мустақиллигимиз бизга улуғ ва қутлуғ маънавий бойлигимизни – ҳазинамизни қайтариб берди. Бугунги кунда ана шу маънавий бойлигимиздан баҳрамандмиз.

Имом Исо ат Термизий ҳазратларининг ҳаёти ва бизда қолдирган маънавий мероси иймон эътиқодимизни мустақил Ватанимизни мустақиллигини мустаҳкамлашда фойдаси бекиёс, албатта.

1990 йилда таваллудининг 1200 йиллиги нишонланган мұхаддис, руҳшунос (психолог) Абу исо Мұхаммад ибн Исо ибн Савра ибн Мусо ибн Захҳок Суламий Буғий Термизий бобомизнинг бой маънавий ва маданий мероси ўсиб келаётган ёш авлодларимизни комил ва баркамол бўлиб тарбияланишларида, Ватанимизнинг янада равноқ топишида, истиқболимизнинг мустаҳкам бўлишида аҳамияти бекиёсдир.